


# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУХТАРАМ ОНАХОНЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# ZIYO CHASHMASI




ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

\* \* \* № 3 (182) \* \* \* 2010 YIL, MART \* \* \*

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



«Оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир»

Ислом КАРИМОВ.

## МУҚАДДАС ЗОТГА ЭҲТИРОМ

Институт маданият саройида 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан профессор йўқитувчilar, кўп сонли талабалар иштирокида тантанали кечак бўлиб ўтди.

Институт ректори, профессор О. Дўсматов жамоа хотин-қизларини 8 Март байрами билан самимий табриклиди.

Педагогика факультети декани,

профессор X. Тўракулов «Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни мавзусида маъруза қилди. Шунингдек институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Ф. Ақчаевнинг «Сен мұқаддассан, мұқаддас — аёл» мавзусидаги маъруzasи тингланди.

Институт ректори, профессор О. Дўсматов бир қатор хотин-қизларга институтнинг Фаҳрий

ёрликларини топширди ва хотин-қизларни моддий рафбатлантириш ҳақидаги маҳсус бўйруқни эълон қилиди.

Музыкий таълим йўналишининг йўқитувчи ва талабалари тақдим этган бадиий чиқишилар ва концернта аёл, она Ватан, истиқол мадҳ этилди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

## ФАОЛЛИК - БАРКАМОЛ АВЛОД ШИОРИ

Юртимизнинг мустақиллиги биринчи навбатда хотин-қизларга ва улар тарбия берадиган фарзандларга улкан имкониятлар уфқларини очиб берди. Ушбу жаннатмакон юртда истиқлол шарофати туфайли аёллар юксак даражада эъзозланиб, фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга итишига катта эътибор берилмоқда. Аёллар мамлакат ҳаётининг барча жабхаларида фаол иштирок этмоқда, уларнинг давлат ва жамият тизимида макоми юксалиб бормоқда.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртаниги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаша ҳам буларнинг барча-барчаси, аввалимбор, янги авлод, ўниб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга итишига боғлиқидир». Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари, аввало мухтаром оналаримиз, опа-син-гилларимиз зиммасига кўйиладиган масъул вазифалардандир. Чунки аёл-жамият таянчи, унинг тараққиёт мезонидир. Кейинги йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги тутган ўрни ва салоҳиятини юксалтириш, уларнинг жамият маънавий ва маданий ҳаётидаги обрў-эътиборини яна-да оширишига алоҳида эътибор каратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-куватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида»ги Фармони ана шундай эътиборнинг ёркин намунаси-дир.

Институтимизда фаолият юритаётган хотин-қизлардан уч нафари фан докторлари, профессорлар, ўн тўрт нафари фан номзодлари, етти нафари аспирантлар, йигирмадан зиёд тадқиқотчilar бўлиб, улар институтнинг илмий салоҳиятини оширишида фаннинг турли йўналишларида самарали иш олиб бормоқдалар. Тарих фанлари доктори, профессор Ф. Ахмедшина, фалсафа фанлари доктори, профессор Б. Очилова, филология фанлари доктори З. Пардаевалар кўплаб тадқиқотчilarнинг илмий ишларига ражбарлик қилиб келмоқдалар.

Институтимиздаги олти мингдан зиёд талабанинг кариб уч мингтасини талаба қизлар ташкил этади. Улар фан асосларини чуқур ўрганиши билан бир қаторда жамоат ишларida ҳам фаол иштирок этишади, муқаддас илм даргоҳларини обод қилишда, спорта, умуман ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида ўз иқтидорларини намоён этиб келмоқдалар. Ана шундай талабалардан жорий ўкув йилида ўзбек филологияси факультетидан

Дилдора Собирова, хорижий тиллар факультетидан Озода Ҳусанова Навоий номидаги, табиатшунослик факультетидан Сабоҳат Йўлдошева Улуғбек номидаги стипендияга сазовор бўлдилар. Шу ўринда ижодкор қизларимиз сафи тўбора ортиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бир қатор қаламкашларимизнинг китоблари босмадан чиқди. Талabalarning ижод намунала-

ри республика, вилоят, шаҳар ва туман газеталарида, институтимизнинг «Зиё чашмаси» газетасида эълон килиб борилмоқда. Баркамол авлод йили муносабати билан ўтказилган шахматшашка мусобакасида ҳам хотин-қизларимиз пешкадам бўлдилар. Педагогика-психология йўналишида таҳсил олаётган қизимиз Муҳлиса Кодирова миллий ўйинчоқлар, зардўзлик ва халқ хунармандчилигининг қатор соҳалари бўйича ўз амалий ишларини намойиш этиб, «Ташабbus-2009» кўрик-танловида «Энг яхши хунарманд» йўналишида голиб бўлди. У хозирги кунда ўқиш билан бирга бир қатор шоғирдлар тайёрламоқда.

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети талабаси Иродда Абдураҳмонова курашниң «Дзю-до» турнирида ҳамда Ўзбекистон кубоги мусобакаларида 1-ўринни эгаллаб, мамлакатимиз, жумладан вилоятимиз ҳамда институтимиз жамоасига фаҳр олиб келди. Иродда Зулфия номидаги Давлат мукофотини олишга муваффақ бўлди. Бундай иқтидорли талаба қизлардан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.


Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март муносабати билан институтимиз барча хотин-қизларини чин юракдан табриklagan холда уларга иш ва ўқишларida каттадан-катта муваффакиятлар тилаб коламан.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз опа сингиллар!

З. АБДУВАЛИЕВА,  
институт хотин-қизлар  
кенгаши раиси.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ

Институтимизнинг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети 2-босқич талабаси Иродда Абдураҳмонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан аълоҳуки, зукколиги, ўқишидаги муваффакиятлари, ташабbusкорлиги билан ноёб истеъодини намоён этабиган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида алоҳида ютуқлари учун Республикамизнинг 14 нафар қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Совриндорлар орасида Институтимизнинг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети 2-босқич талабаси Иродда Хайруллаевна Абдураҳмонова ҳам бор.

Институтимиз жамоаси номидан Иродани Давлат мукофоти билан муборакбод этгани ҳолда унинг ўқиши ва спорт соҳасидаги фаолиятига муваффакиятлар тилаймиз.

Суратда: Иродда Абдураҳмонова.

# АБДУЛЛА ҚАХХОР ИЖОДИДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ

Пайғамбаримиз айтганларидек, дунёда савоб иш қилмоқчи бўлсанг, энг аввало, ота-онани хурмат қилгин. Ул зотдан дунёда жуда катта савоб иш қилмоқчиман, қай бирларини кўпроқ хурмат қиласай, отамними онамними деб сўраганларида: Онанга, онанга, онанга ва албатта отанга, деб бежиз она сўзини уч марта таракорламаган.

Ҳақиқатдан ҳам меҳрибон оналаримизни, мунис опа сингилларимизни таърифлашга сўз етмайди.

Хўш, бугунги кун аёлининг тарихига бир назар ташлайлик. Шу ўринда А. Қаҳхорнинг хикоя ва повестлари буни очиб берадолади.

Ўша даврда ижод қилган ёзувчилар ижодига назар солсак А. Қаҳхор сингари ҳеч бир ёзувчи аёлларнинг қадр қимматини қаламга олмаган. Унинг хикояларида аёлларнинг тақдири ҳақидаги фоялар яширган бўлсада ўқувчи уни ҳеч қандай қийинчиликлариз сушунади.

Улуф ёзувчининг асарларида аёлнинг аҳволи, ўтмешдаги эзилгани ҳамда ёруғликка чиққани ҳақида сўз юритилмайд, балки ҳаётнинг ўзини кўрсатади кўяди. Унинг барча хикояларида ана шундай аёлнинг қадри мадх этилади.

Ёзувчининг "Бемор" хикоясини олайлик. Жуда кичкина хикоя. Вокеа — оддий. Сотиболдининг хотини оғриб қолади-ю вафот

этади.

Бу асарда Сотиболди ҳам хотини ҳам тенгизликтининг курбони бўлади. Яна шундай хикоялардан "Анор" ва "Даҳшат" хикоялари. Бу уч лавҳада ўзбек аёлининг тақдири нақадар аянчили бўлгани, шунга қарамай аёллар қалбида эрк иштиёки ёниб тургани жонли манзараларда акс эттирилган. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов "Ўзбек аёлининг

## ТАДКИКОДЧИ ТАЛАБАЛАР МИНБАРИ

тақдири" мақолосида уни яққол очиб берган.

"Мастон" хикояси орқали янги ҳаёт сари интилган ўзбек аёлининг характеристи очиб борилади. Кейинчалик "Кўк конверт", "Минг бир жон" хикояларида ўзбек аёлининг юксаклика кўтирилгани кўринади.

"Синчалак" повестида ўзбек аёлнинг бугунги савияси янада чуқурроқ очиради. Ёзувчи аёл мавзусини олишда кўп йиллик тажрибаларга таянган. "Синчалак" фоят жозибали асар бўлиб, ундаги воеалар кишини ўзига тортади ва ҳаммаси хонли.

Повестнинг асосий қархамонлари Арслонбек Қаландаров ва Саида образларида. Асар

сюжети ҳам шу икки образ ўртасидаги тўқнашувлар асосида қурилган. Ундаги бир воқеани олайлик: Сайданинг онаси ўша вактда билим олишга ҳаракат килади. Лекин эри унга қаршилик кўрсатади. Аёл эри кўймагач охир-оқибат яширинча дарсга қатнаша бошлади ва эри уни бир кун билиб қолиб, жанжал чиқиб, воқеа аёлнинг ўлими билан тугайди. Лекин у аёл ўзини омиликдан олиб чиқмоқчи бўлади.

Саида образи орқали ёзувчи ўша даврда хотин қизлардан етишиб чиқкан раҳбар ходимларин тасвирлайди. Уни Қаландаров нозик күш — синчалакка ўхшатади. Лекин Саида образи орқали аёлларнинг қадри кўтарила боради.

Бугун мустақиллик замонида аёлларнинг ўрни бекиёс десак хато бўлмайди. Зеро аёллар ўзлари хоҳлаган касбларда ва соҳаларда меҳнат қыммоқдалар, тинчлик ишига, жамиятнинг равнақ топишига ўзларининг мунособ хиссаларини кўшмоқдалар.

Биз ёшлар эса аёлларимизнинг аянчили тақдирини тарихдан, бадиий адабиётдан билиб оламиз ва оналаримиз, опа-сингилларимизга бор меҳримиз ва саҳоватимизни аямаймиз.

**Бекзод КАРИМОВ,  
Ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши 3-босқич  
талабаси.**

## ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ТАЛАБАЛАРГА

# СПОРТГА ДОИР АТАМАЛАР ТАРГИБОТИ

Мустақилларимиз туфайли ҳалқ миллий ўйинларимизга этибор кучайди. Баъзи бир миллий ўйинларимиз (кураш, белбоғи кураш ва хоказ) мазмун ва мантиқ жиҳатдан спорт тури мақомига эга бўлди. Шу йиллар ичига раҳбар ва хатто мутахассислар орасида ҳам ҳар хил миллий ўйинларимизни "миллий спорт" деб аталиши нафақат мамлакатда ҳалқаро миқёсда ҳам ўз ўрнини топди.

Қайси ўйин, қайси тур қаерда бўлмасин спорт деб аталишига асосий талаблар мавжуд. Яъни ҳалқаро миқёсда ёки давлат миқёсига куйидаги ҳолатлар мақом (хуқуқ) қилиб берилади:

1. Ўйиннинг (тур) асосий мазмуни ёзма ифода этиши.

2. Ўйин қоидаларининг талаб даражасида ишлаб чиқилиши.

3. Машҳарларинг осон ёки қийинларимиз асосида ёш, жинсларга қараб нормалар бериш (даражалар, унвонлар).

4. Мазкур тур бўйича оммавий мусобақалар ташкил қилиш.

5. Нишонлар (значок), рамзлар (эмблема)ни тасдиқлаш. Юқоридаги талаблар амалда кўлланилса ва улар ҳалқаро ёки давлат спорт класификациясига қонуний киритилса, уни спорт дебаташ мумкин бўлади.

Миллий кураш ва белбоғи курашларимизнинг мазмуни, қоидаси, мусобақа жараёнлари қадим замонлардан бўйн давом этиб келган. Лекин уларни ҳеч ким ва ҳеч ерда спорт деб аташмаган. Мустақиллик йилларидагина ҳақиқий спорт мақомига айланигина қолмасдан, балки ҳалқаро спорт даражасига этиб борди.

Кўлкари улоқ ҳам спорт мақомига эга бўлди, унинг истеъмолдаги атамалари (ибора) ҳамда қоидаларини давлат тилида такомиллаштиришга тўтири келади.

Тош (гир) кўтариш, билак кучини синаш ҳам спорт ҳисобланади, лекин улар миллий спортизмиз ёмас. Жаҳон ҳалқлари орасида бу турлар кенг кўлланилиб келинган ва спорт мақомини бошқа жойларда олишга улгурган.

Баъзи бир мутахассислар "Арқон тортиш", "Елка уриштириш", "Чамбаракларни айлантириш", "Тўпни саватга тушириш" каби турли хил мураккаб ҳар хил ҳаракатли ўйинларни ҳам спорт дебаташмоқда.

Баъзи бир оддий ва мураккаб ҳаракатли ўйинларимиз ҳам моҳият жиҳатдан ҳеч қандай спорт туридан кам эмас. Шундай бўлсасда уларни спорт деб аташ мантиқан ўрнили эмас. Чунки, улар юкорида қайд эттиганидек спорт мақомини олган эмас.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, спортнинг миллий турлари ҳақида оммавий ахборот воситалари, айниска "Спорт" газетаси ҳамда телерадиоларда доимий рашвида маълумот берриб боришиша мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг жисмоний тарбия дарслари, спорт машгулотлари миллий спорт турларимиз ҳақида аниқ тушунчалар берриб бориш зарур. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим мусасасаларида миллий спорт турлари ҳақида назарий билимларни беришни чукурлаштириш лозим.

Илмий анжуман ёки маҳсус семинарларда, газеталар, журнallар саҳифаларида, телерадиоларда ҳам атамаларни мантиқиз ишлатганилар ҳақида танқидий чиқишилар килиб бориш лозим. Ўқувчи-ёшлар ҳамда талабаларнинг миллий спортизм ҳақида илмий-назарий тушунчаларини, ахолининг спорт ҳақида мантиқий тушунчаларини бойитиш муҳим аҳамият касб этади.

Атамашунослар, мантиқилар, жисмоний тарбия назарияси билан шуғулланувчилар атамаларни мантиқиз ишлатишига қарши ўтибор қаратишлари, ўқувчи-ёшларни ҳамда ахолининг жисмоний тарбия, спорт, ўйинлар тўғрисидаги назарий тушунчаларини кенгайтиришга эришишлари лозим.

**А. БЎРИБОЕВ,  
Жисмоний тарбия ва жисмоний  
маданият факультети ўкув ишлари  
бўйича декан ўринбосари.**

Ўлкамизга ажойиб байрамлар қаторида баҳор кириб келди. Ҳар бир хонадонга кучогин очиб, эл-юртга чечаклар сочиб, қалбимизга ёрғулк нур таратиб, эзгу тилаклар ёдидириб фасллар келинчаги ташриф бўюди. Куртакларда ҳаёт ишигиди, дарахтларда ҳаёт нафаси гўёки табиат бундай шароитни аёл файратидан ўйирлагандай. Табиатнан нозик яралган аёл мұхтасаригина вуҳуди билан дарёларга татигулик юмушларини бажариб келмоқда.

## СИЗ БОРКИ, ҲАЁТ МУНАВVAR

Фикримиз далили бугунги кун аёлнинг тараққиётдаги ўрни, жамиятга кўшган хиссаси, дунё мамлакатлари минбарида туриб мустақил ўзбекистон номидан ўз сўзини баралла айтиётганлиги, билан ўзбек аёлига хос фазилилатин кўрсатади. Гурӯппа аёлларни ўзбекистоннинг ишдошиларни аёлни тақдислайди. Онаизор бўлса тубида ўзбекистоннинг ўзини излаб йиғлаб қайиқ ясаб сувга тушади. Айнан у биринчи қайиқи ясаб одамларни қайиқчиликка ва сувда жанг қилишга ўргатади.

Амударё кема ва қайиқларининг олдириб ўзини излаб йиғлаб қайиқ ясаб сувга тушади. Айнан у биринчи қайиқи ясаб одамларни қайиқчиликка ва сувда жанг қилишга ўргатади. Амударё кема ва қайиқларининг олдириб ўзини излаб йиғлаб қайиқ ясаб сувга тушади. Айнан у биринчи қайиқи ясаб одамларни қайиқчиликка ва сувда жанг қилишга ўргатади. Амударё кема ва қайиқларининг олдириб ўзини излаб йиғлаб қайиқ ясаб сувга тушади. Айнан у биринчи қайиқи ясаб одамларни қайиқчиликка ва сувда жанг қилишга ўргатади.

## ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Ўлкамиз аёллари қадимдан юксак хурматга сазовор бўлган. Бу олимлар томонидан аллақачон ўтироф этилган. Тарихи Наршахий "Бухоро шохининг беваси таҳта" ўтириб хуқмронлик киглан пайтида ибодатхоналарда унга илоҳаларга ўтиқод қилингани каби чукур ўтиром билан сажда қилишган" дея маълумот беради.

Тарихий обидаларимизнинг девор тасвирларида, ҳайкалтарошлик санъатида, ҳалқ оғзаки иходида, ривоятларда ҳам аёлни илоҳа сиймосида, илоҳани аёл мақомида эъзозланганинг гувоҳи бўла-

дини кириб келгандан кейин эса унинг юзини чопиб ташлашди, аммо иккни кокили сакланниб қолади. Алқисса Анбар она аёллар, оналик ва хаёт, ўсимликлар ҳамда туғилиш гўззалик, яратувчаник ҳомийси бўлиб, Наврӯзга сумалак учун дон ўстиришгандан барака тилаб, илтиҳо килишган унга...". Онани Самарқандада ҳам эъзозлаб бу авлиё аёлни Шоҳизинда (тирик шоҳ) – Куссам ибн Аббос билан ўйғунлаштирадилар. Анбар исмини эса бузуб талафуз этилган "амбайи шоҳ" (шоҳнинг аммаси) деб хисоблашади.

## АЁЛ ИЛОҲАЛАРИГА ҶАҲОННИГА ЭЪТИҚОД

отишган" шаҳристони ҳаробасидаги Гулли биби мозорида яшаган, ҳамда у ерда аёл шайхларнинг зиёрат маросимлари ўтказилган. Мозоратда эрга тегмасликка ваъда берган ҳур кизлар хизмат қилиган. Анахитанинг зардустийлик ибодатхоналарида бокира кизлар тўйдан олдин ҳам яшашгани маълум. Бу ишонч Анбар она орқали Анахитага бориб тақадди. Дарҳақиқат тарихий археологик қазув ишлари жараёнида "жанговор қиз", "гўзал чавандоз", "узун кўйлакли аёл" (милоддан аввали II-I асрда Холчайён, Далярвипинта ибодатхоналаридан топилган), "анор ва қилич ушлаган аёл" (милоддан аввали I асрда Амударёни ўтириб топилган), "тариқатни ўтириб топилган" (Кўйқирилганқалъа), "нилуфаргул ушлаган аёл" кўринишдаги ҳайкалчалар топилган.

Жанговор қиз мардлик, жасурлик, довюраклик ҳамда ғалаба келтирувчи илоҳа.

Гўзал чавандоз – от чопириш ва мусобақалар илоҳаси, узун кўйлакли аёл – нозик ўй бекаси гўзаллик ва латофатлик илоҳаси.

Бир дастали кўза ушлаган аёл ёғин сочин ва сув илоҳаси. Анор ва қилич ушлаган аёл – анор тўкин сочинлик, серхосилликни ифодаласа, қилич бойлик, шон-шуҳрат келтирувчи илоҳа. Нибуғаргул ушлаган аёл – давлат, мамлакатни сифатида илоҳаси.

Милодимизнинг бошларига келиб матриархатнинг патриархат билан алмашви – эркакнинг хуқмрон синғға айланганинг натижасида аёл маъбуналари уй меҳробларига кўчиб, турли диний маросим ва урғодатларда сакланиб қолди.

Аммо аёлга ўтироф килмаган, уни эъзозламаган, уни қадрламаган, юксакларга кўтариб олдида таъзим қилмаган ким бор дунёда.

**Азиза МУҲАММАДИЕВА,  
Тарих йўналиши 3-босқич  
талабаси.**</



## ШОИРА ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА БАҲОРИМ

(Шоира Зулфия хотирасига)

Юртим боғларида кезаман танҳо,  
Боғларда учратмадим унингдек даҳо.  
Сиймоси кўринур ҳатто наҳорда,  
Ёшлигин ўхшатдим мисли баҳорга.

Баҳор келар киш либосин ечмасдан,  
Майсалар унар ҳали қор кетмасдан.  
Бодомлар гуллайди Наврӯз келмасдан,

Зулфияни кўмсар менинг баҳорим.  
Тонг чоги булбуллар нола қилганда,

Қалдирғочлар осмонимда учганда,  
Куёш нур таратиб кўкка чиқканда,

Зулфияни кўмсар менинг баҳорим.  
Мехрин бериб у шеър билан сирлашган,

Тун кўйинида ёлғиз ўзи сўзлашган.

Жафо чекиб вафо билан дўстлашган.

Зулфияни кўмсар менинг баҳорим.

Севган ёри орзусига етмаган,

Санобарлар гул куртагин ёргаган.

Ёри бирла давру-даврон сурмаган,

Зулфияни кўмсар менинг баҳорим.

Эрта тонгдан бир ноёб сўз изладим,

Сўзлар ичра сеҳрлисин топмадим.

Зулфияни излар менинг баҳорим,

Зулфияни кўмсар менинг баҳорим.

Нафиса МАМАТҚУЛОВА,  
Биология ва ҳаётӣ фаолият ҳавфисизлиги  
йўналиши 2-босқич талабаси.

## ҚАЛАМИНГДАН АЖРАЛМА, ШОҲИСТА

“Зиё чашмаси” газетаси таҳририятига келаётган хат-хабарлар борган сари кўпаймоқда. Бу талабаримизнинг ҳаётга бефарқ эмаслиги, илм, фан, институтимиз фаолиятига кизикишидан далолатдир.

Келаётган хат-хабарлар орасида шеърлар ҳам анчагина. Талабалар орасида кўллари келишиб колганлари оз эмас. Педагогика-психология йўналиши 1-босқич талабаси Шоҳиста Соатованинг шеърларини ўқир экансиз, ўзига хос оҳанг сизни ром этади.

Унинг ташбехлари дакиқ ва нозик, фикрлари теран.

## МЕН ШОИР ЭМАСМАН

Мен шоир эмасман шоирлар каби,  
Латиф сўз ўтида ёнаман аммо.  
Хаёжонсиз бўлмас шоирлар қалби,  
Хаяжон жўш урар, шудир муаммо.

Агар шоир сўзи бир дарё бўлса,  
Менини ёнида бир кичик кўлмак.

Оlamга етгулик бир таом бўлса,  
Унга таллингувчи ушок бир бўлак.

Шоир сўзи учқур қоядир балким,  
Мен шу қоядаги думалаган тош.

Зебо санамларнинг юзидан балким,  
Мен унга етгулик оддийгина кош.

Сўзларим сиз учун шеърлар бўлса-ю,  
Иштиёқим ҳали камлик килади.

Шеърга аталган сўз ёмғир бўлса-ю,  
Кўзимда томчи ёш кўплек килади.

Мен шоир эмасман шоирлар каби,  
Хаяжон ўтида ёнаман аммо.

Уларнинг сўзига интилган каби,  
Ҳақни куйлаб ўтсан недир муаммо.

## ЁМФИРГА...

Мен кутдим...  
Ишқимнинг сархуш елидан  
Ёмғир барг ўзидан, ўпич олганда.  
Ишонсанг мен борман, тунлар оралаб  
Шалаббо бағрингда ёлғиз қолганда.

Сен кетма...

Энди кеч, йўлимиш увук  
Кечиккан дийдоринг ҳазонга туташ  
Асли бир ёлғизлик, асли бир ўқинч  
Мен сени илк кўрган сиймога уйқаш.

Биз қолдик...  
Тош ости бироз еврилиш,  
Ўткинчи ҳазонлар босилиб кетди.

Мени бир эркалаб, бир бор йиглатган  
Ёмғирлар биз билан манзилга етди.

## ШЕЪР

Сен мени, сен дея, сирларим олдинг,  
Ўзингку сирларинг, сирлабон кетдинг,  
Қўлимга бевафо қалам тутқазиб,  
Калбими ўғирлаб ниятга етдинг.

Коғозга муҳрлаб аламларимни,  
Айблайвердинг айбисиз қаламларимни,  
Сиз оплок, биз оддий қоралагувчи,  
Такиб этаверманг қадамларимни.

Езавердим, сизку поёнсиз карвон,  
Етмок учун сўздан ясайман нарвон,  
Гоҳ кайтиб, гоҳ ўйдан қайтмаганимиз,  
Сиздан тониб кетсан, оқ қоғоз армон.

Умиди ЭЛОВА,  
Инглиз тили ва адабиётий йўналиши  
4-босқич талабаси.

## ОНАМНИ АСРА

Онам бор, тилгинам бурролар бўлган,  
Инжа орзуласири дунёлар бўлған,  
Армонлар мен учун рўёлар бўлган,  
Онамни балолардан сақла, Оллоҳим.  
Бахтиман, бахтимга йўлдошdir ўзи,  
Тонгдан то тунгача йўлимда кўзи,  
Дуога айланар ҳар айтган сўзи,  
Онамни балолардан асрар, Оллоҳим.  
Қаниди ҳар куни ёнида бўлсан,  
Онам хизматида тўқилсан, тўлсан,  
Йиғлаганда йиғлаб, кулгана кулсан,

Онамни балолардан сақла, Оллоҳим.  
Биламан, жуда-ҳам кўпидир гуноҳим,  
Дардим эшит менинг, улуғ паноҳим,  
Қабул эт дилдаги энг сўнгги оҳим;  
“Онамни балолардан асрар,

Оллоҳим!”  
Вазира АБДУЛЛАЕВА,  
Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши йўналиши  
4-босқич талабаси.

## ЗУЛФИЯХОНИМГА БАҒИШЛАНГАН МУШОИРА

Институтнинг маънавий-маърифий тарғибот марказида Шоира Зулфия таваллудининг 95 йиллигига бағишиланган адабий-музикан анжуман бўлиб ўти. Анжуман “Зулфияхоним издошлари мушоириаси” деб номланди.

Тадбирни институт хотин-қизлар кенгаси З. Абдувалиева олиб борди. Ўзбек филологияси факультети 4-босқич талабаси Нафиса Муродова “Зулфияхоним хаёт ва иходи ёшлар учун машъалдир” мавzuсида маъруза килди. Мушоирада ўзбек филологияси факультетининг ижодкорлари фаол иштирок этдилар. Институт ахборот -ресурс маркази Зулфияхоним издошлари олдида турган вазифалар ҳақида иходи ва фаолияти акт этирилган кўргазма ташкил этиди.

Институт “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлангич ташкилоти етакчиси Ф. Акчев Баркамол авлод ийлида Зулфияхоним издошлари олдида турган вазифалар ҳақида гапидри.

Г. АХМАДОВА,  
С. ШАРИПОВА

## БОР БЎЛИНГ!

Қадамида гул унган,  
Қалби қувончга тўлган.  
Қўзлари доим кулган,  
Онахоним бор бўлинг!

Қалбинги ой-ю қўёш,  
Қўзларингиз тўкмасин ёш,  
Бизга бўлинг доим бош,  
Онахоним бор бўлинг!

Атрофимда парвонасиз,  
Болажоним деб ёнасиз,  
Камимга ҳам ҳамонасиз,  
Онахоним бор бўлинг!

Баҳора ХОЛМУМИНОВА,  
Бошланғич таълим ва  
спорт тарбиявий иши  
йўналиши 3-босқич  
талабаси.




## МУҲАББАТНИ ТИЛАБ БЎЛМАЙДИ

Муҳаббат бу ташрифсиз дард,  
У кўнгилдан сўраб қелмайди.  
Ишқ бу жоним шундайин бир дард,  
Муҳаббатни тиляб бўлмайди.

У қалбларни этди асир,  
Шоҳни ҳам у гадо айлади.  
Оддий кулба унинг чун қаср,  
Муҳаббатни тиляб бўлмайди.

Севги жоним этилмас эҳсон,  
У тананга оқётган қон.  
Гар қалбингда бўлмаса мемон,  
Муҳаббатни тиляб бўлмайди.

Қийналса ҳам озорлардан жон,  
Ишқ майидан тўйғунча ич, қон.  
Сўқир қалдан ёғлизим инон,  
Муҳаббатни тиляб бўлмайди.



## ЙЎҚЛАБ КЕЛГИН

Йиллар ювди кўз ёшларимни,  
Киров босди тим сочларимни,  
Синадингму бардошларимни,  
Бир бор йўқлаб келгин ёғлизим.

Кўз ёшига чайдим юзимни,  
Унуголмай ҳар бир сўзингни,  
Қийнагайман ҳамон ўзимни,  
Бир бор йўқлаб келгин ёғлизим.

Камола ҲАЙИТБОЕВА,  
Тасвирий санъат ва муҳандислик графикиаси  
йўналиши 1-босқич талабаси.

## ОНАЖОНИМГА

Ер юзидағи оналарнинг тилаги битта: фарзандим соғомон бўлсун, осмонимиз мусаффо бўлсун! Шоир бўлмасам-да, шу улуғ айёмда онамнинг, оналаримизнинг шаънига тўрт қатор шеър битдим. Бу -сизларга азиз оналар!

Онахон, мен учун сиз сеҳрли олам,  
Таъриф тополмадим бунданда ортиқ.  
Сиз борки дунёлар чароғон, кўркам,  
Шу ёруғ дунёлар сиз учун тортиқ.

Вазира ҲАЙДАРҚУЛОВА,  
Инглиз тили ва адабиётий йўналиши 1-босқич  
талабаси.

## МУҲАММАДЛАР

Гўзалларни мактаб мақтаб битибсиз шеър,  
Ойдин ойдин паризодга бағишилаб шеър.  
Сиз кетдингиз одамга хўп тўйдими ер  
Хали замон туғилади Муҳаммадлар.

Шарқни кезиб айланибсиз туркман қиздан,  
Шоирлар юргайдир сиз босган издан,  
Рухингиз шод бўлсун Зебижон қиздан  
Хали замон туғилади Муҳаммадлар.

Халқ учун ёндингиз қанча захматлар,  
Замондош бўлдилар Саид Аҳмадлар,  
Менинг ҳам дардимдир дардли хислатлар,  
Хали замон туғилади Муҳаммадлар.

Исмингизга Юсуф қўшиб ривоятлар,  
Йўлингизга зорлардими хушқоматлар,  
Энди кимга айтар арзи шикоятлар,  
Хали замон туғилади Муҳаммадлар.

Хатто йиғлагайдир қалдирғочингиз,  
Шеър бўлиб битдиму арзу додингиз,  
Охирги байтингиз қизғалдоғингиз,  
Хали замон туғилади Муҳаммадлар.

Мотам куни кимдир кулиб йиғлаб кетди,  
Шеърларингиз юракларни юлиб кетди.  
Қабрингизда сара гуллар тўлиб кетди,  
Хали замон туғилади Муҳаммадлар.

Раъно ГУЛМУРОДОВА,

Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши

йўналиши 4-босқич талабаси.

## ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Қўнгилга жой кифоя эмас,  
Бир гулгача шошилинч дийдор.  
Япрогига суюнай десам,  
Ишқпарастлар унга ўмидвор.  
Аразладим, май берди қондан,  
Бир сиймоси лабга жойланди.  
Тушунгувчим айланди ҳондан,  
Маст бўлдимов, бошим айланди.  
Кетма дейди, илашди бири,  
Этагимдан отолмадим ман.  
Икки дилнинг бирлашди қири,  
Ўзгасига сотолмадим ман.

Энди бизни ажратмас ўлим,  
Юрагимдан ранг олган гулим.  
... Лолақизғалдок

Шоҳиста СОАТОВА,

Педагогика-психология йўналиши 1-босқич талабаси.

## ШЕЪР

</

## ИКТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИМИЗ

## МУХЛИСАНИНГ МУХЛИСЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Мухлиса Асатуллаевна Қодирова 1989 йил 14 ноябрда Жиззах вилоятининг Жиззах туманида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтининг педагогика-психология, МТБС, дефектология ва мусикий таълим йўналиши 2-босқич талабаси. У ёшлигидан хунармандчилик билан шугууланиб келади. Ўзбек миллий матоларидан юмшоқ ўйинчоқлар, кўирчоқлар тикиш, рангилилардан гулдасталар тўкиш, зардўзлик, мунчоқлар (бисер) билан безаш, макрами усулида каноплардан махсулотлар тўкиш сингари хунарларни пухта эгалланган. Президент соворини учун ўтказиладиган тадбиркорларнинг "Ташаббус -2007" кўрик-танлови иштирокчиси, Жиззах туман "Ташаббус-2006", "Ташаббус -2007" кўрик танлови, "Энг яхши хунарманд" йўналиши бўйича туман ва вилоят галиби. 2006-2007 йилларда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорлика ташкил этилган "Келажак овози" мега танловининг амалий санъат йўна-

лиши бўйича вилоят галиби, республика танлови иштирокчиси.

Мухлиса "Мустакиллик, экология ва саломатлик" шиори остида ўтказилган "Экофестивал-2007" кўрик-фестивали, ёш истеъоддларни кўллаб-кувватлашга қаратилган "Ниҳол -2007" танловининг рақс йўналиши бўйича вилоят галиби бўлди. Унинг ижодий фаолиятига бағишлаб, халқ ижодиёти ва маданий-мъарифий ишлар Жиззах вилоятим улумий услубият маркази ҳамда вилоят "Хунарманд" худудий уюшмаси томонидан "Истеъодднинг етти жилоси" номли рисола, ўзи томонидан мактабача таълим муассасалари, ўрта мактабларнинг ижодий тўғарақлари ва меҳнат ўқитувчилари учун "Гўзаллик гулшани" услубий тавсияномаси чоп этилган.

Мухлиса Қодирова Президент соворини учун ўтказилган "Ташаббус-2009" кўрик танлови Жиззах вилояти босқичида "Энг яхши хунарманд" йўналиши бўйича галибларни кўлга киритди.

Буғунги кунда ёш хунарманд тайёрлаётган махсулотлар сони 30 тага етди. 15 нафар шогирд тарбиялаб



етиштираётган Мухлиса таълим муассасалари, меҳрибонлик уйига миллий кўирчоқлар, юмшоқ ўйинчоқлар етказиб бермокда.

Биз ана шундай сафдошимиз, Институтимизнинг фаол ва иктидорли талабалари билан ҳақли равишда фаҳранамиз.

**Камолиддин ОЛМОСОВ,** математика ва информатика йўналиши 2-босқич талабаси

**Суратда:** хунарманд талаба Мухлиса Қодирова иш устида.

## АЖДОДЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН

## ИЛМ АКЛ ЧИРОГИ

Фарб тарихчиларининг ўзлари Оврупа илм-фани, адабиёти, асосан, Ислом ҳазоррасидан ўрганганини тан олиб ёзишида ва ўша лайтнинг даҳо олимларига миннадорчилик изҳор этишиди. Шарқ олимларнинг Аллоҳ берған иктидори, илм-фан соҳасидаги кашфиётлари ҳақиқатан ҳам дунё ҳавас килгулик, ҳайратда қолгулик даражада эди.

**1. Мусо Муҳаммад Ҳоразмий** алгебра фанига асос солган, "алгебра" истилохи унинг "Ал-жабр ал-муқобала" рисоласидан олинган, олманинг номи эса "алгоритм" шаклида фанга кирган, унинг арифметикага оид рисоласи XII асрда ёки Испанияда таржима қилиниб, шу асосида дарслик ёзилган.

**2. Аҳмад Фарғонийнинг** "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нуҳум" китоби XII асрда Оврупа тилларига таржима қилиниб, "Алфрангансуз" деган лотинча ном билан бир неча аср мобайнида гарб университетларидаги астрономиядан асосий дарслик сифатида ўқитилган.

**3. Яна** бир атокли қомусий олимимиз **Абу Райҳон Беруний** Христофор Колумбдан анча олдин уммон ортида номаълум китъя борлигини айтган, Галилейдан 600 йил аввал Еринг айланисини исботлаб ва изоҳлаб берган, биринчи глобус ясаган, Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчаган, конуслар теоремасини француз олими Вентдан 500 йил олдин кашф этган.

**4. Улуғ олим Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий** (801-873) Эйнштейндан бир

неча аср илгари борлиқ ва ундағи ҳодисаларнинг нисбийлиги foясини кашф этган. У оптика соҳасида жаҳонда биринчи бўлиб асар ёзган, унинг 11 асари замонавий арифметикага, 7 асари геометрияга асос бўлган. У психо-физиологиянинг ҳам асосчисидир.

**5. Абул Вафо Муҳаммад ибн Яхе Бўзжоний** (940-998)-тиригонометрия фанига тангенс, котангенс, секанс каби ислоҳотларни олиб кирган, унинг кашфиётларини Оврупа ўз йиллардан кейин ўргана бошлаган. Оврупада Батламиуснинг Ой назарияси устида илк иш олиб борган Тужҳо Браҳадан (1546-1601) нақ олти юз йил олдин бу назарияни танқидий ўрганиб, унинг нуксонларини кўрсатиб бўрди.

**6. Умар Ҳайём** "Арифметиканинг мушкул масалалари" асарида Ньютондан 500 йил олдин ўн сонли рақамли масалаларни каср воситасида ҳал қилиш назариясини тавсия этган.

**7. Физика ва фалакшуносликда** жуда муҳим бўлган маътнини Ньютондан 600 йил аввал **Ибн Юнус** кашф килган.

**8. Дунёда илк расадхона** (обсерватория) ва астрономик марказ Xожа Насриддин Тусий (1201-1274) томонидан курилган.

**9. Маълумки**, Ойнинг илк ҳаритасини Мирзо Улуғбекнинг шоғиди Алоуддин Кушчи чизган, ҳозир бу ҳарита Америкадаги Ой тадқиқоти институтидаги чиқарилган ҳариталарнинг энг тепасига осиб кўйилган.

**Тўпловчи –** Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ, «Зиё чашмаси» ходими.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

## ҚАДИМГИ ЎЛЧОВЛАР ҲАҚИДА

Қадим замонларда аждодларимиз ҳозиргидек ўлчов асбобларига эга бўлишмаган. Ҳаёт, тиричилик эса ер ўлчашни, бирор нарсанинг оғирлиги ёюзини ўлчашни тақозо этган.

Буюк олим Муҳаммад Ҳоразмий айтаганидек, инсонлар ўз кундالик турмуш уринишларида, ишларида, ер ўлчаш, арик ўтказиш ва ҳисоблашларига доир узунлик, кенглик, баландлик, чукурлик, юза, ҳажм каби геометрик ўлчовларни жуда оддий усулларда белгилашган. Одамнинг танаси – бўйи (бел, кўкрак, бўйин) оёғи (товон, тўпик, тизза, қадам), кўли (тирас, кулоч, ховув, қарич) ва бошқа аъзолари дастлабки ўлчов воситалари сифатида кенг кўлланилган.

Дастлабки ўлчовлар, юқорида айтилганидек, одам танасининг бирор аъзоси билан алоқадор ҳолда амалга оширилган. Шу туфайли жуда оддий ўлчовлар кўпчилик ҳалкларда деярли бир хил бўлиб, ҳатто уларни ифодаловчи иборалар ҳам маъно жиҳатдан бир – бирига ўхшаш. Масалан, баъзи туркий тилларда қарич, инглиз тилида ярд (тирас) сўзлар каби.

Бошқа тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам қадим замонлардан бери авлоддан – авлодга ўтиб келган ўлчовларга (аниқроғи, узунлик ўлчовларига) доир кўпгина сўзлар борки, уларнинг баъзилари устида тўхталиб ўтамиш.

**ҚУЛОЧ.** Ҳўш, қулоч сўзи аслида қандай маънени англатади?

XI асрда ўтган буюк тилшунос олим Махмуд Қошгари туркий тилларга оид бўлган қулоч сўзини "асли қўлоч (кўнглингни оч)", қулочни ёз" маъносида

**Ўлчовларни бил, бу билимдир.**

**(Бобир).**

**Фан ўлчовлардан бошланган. Аниқ фанларни ўлчовларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Табиатда ўлчов ва микдорлар билишнинг асосий куролидир.**

**(Д.И.Менделеев).**

талқин қиласи. Қулоч сўзи тоҷик тилига "Кўлоч" шаклида, ағон тилига "Чулач" тарзида ўтган бўлиб, у тахминан 165 – 175 см га тенг ёки 8 қарич бир қулоч бўлган. Бир қулоч турли жойларда бўлғанда бўлғарда Бухорода 142 см, Фарғонада 167 см деб олингандир.

**ҚАРИ.** Қадимги туркий ёзма манбаларда ҳам ҳозирги қирғиз, қорақалпоқ каби туркий тилларда кўл учидан тирсакка (ойрот тилида эса тирсакдан елкагача) бўлган узунликни ифодаловчи сўз. Бу сўз келиб чиши жиҳатдан тирсак (кенг маънода кўл) сўзи билан алоқадор.

**МЎҒИЛ.** Бурят – мўғил ва қалмоқ тилларда эса кўнни "гар" дейдилар. Қирғиз тилида ва ўзбек тилининг баъзи шеваларида

(Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидаги) кўлнинг тирсақдан елкагача бўлган қисми қари дейлади: кўй ва эчкининг кўл сияги қари илик деб аталади. Муғулчада бранғар (армиянинг ўн қаноти) ва жванғар (армиянинг сўл қаноти) сўзлари ҳам яна шу сўздан (Кар, қар) олинган. Ҳудди шу хилдаги ўлчов бирлиги (ўрта бармоқ учидан тирсакка бўлган узунлик) эрамиздан турт минг йил аввал Миср эҳромларини куришда кўлланган.

Умуман, бармоқларнинг турили хил вазиятдаги ҳолатига кўра узунлик кўп ишлатилган. Чунончи, қарич бир бармоқ билан жим-жилокнинг, суюн – бир бармоқ билан кўрсатич бармоқнинг, сарали эса кўрсатич бармоқ билан жимжилокнинг ёпик ҳолатдаги оралигини билдирган. Бир бармоқ энгиза тенг узунлик ўлчови энлик дейилган. Аслида эса "энлайк" сўзи қадимги туркӣ тиллардаги "алик", "алига" (кўл) сўздардан келиб чиқкан. Захириддин Муҳаммад Бобур бир қадам бир ярим қарича, ҳар қарич олти тутамга, ҳар тутам тўрт энликка, ҳар энлик эса олтида арпа донасининг бўйланмасига ёман – ён қилиб кўйилгандаги масофага тенг бўлишини қайд этади.

**К.ТўРАЕВ.** институтнинг физика ўқитувчиси. (Давоми келгуси сонда).

## ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, АСПИРАНТЛАР, МАГИСТРЛАР, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ВА БАКАЛАВРЛАР ДИҚҚАТИГА

Жиззах Давлат педагогика институти муассислигида «Жиззах Давлат педагогика институти ахборотномаси» номли илмий-услубий журнал чоп этилиши муносабати билан илмий услубий мақолаларингизни таҳририятга топширишингиз сўралади.

**Таҳририят манзили:** институт биносининг ректорат жойлашган қисми, иккинчи қават, 208 ва 211-хоналар.

Мақолалар тақризлардан ўтказилган ҳолда тегишли кафедралар тақдими билан қабул қилинади..

## ZIYO CHASHMASI

**МУАССИС:**  
Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институти

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтидан назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва аҳборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти – 19.00 Толширилди – 18.00 Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти.

«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида оғсет усулида 6000 нусхада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжой кўчаси, 4-йй. Буюртма № 68. Shakl- A-3.